

## МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ

Ходжамов Нарзулло Амир ўғли

Тошкент амалий фанлар университети ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7393270>

**Аннотация.** Ушбу илмий мақолада мамлакатимиз маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бошқарув фаолиятининг амалдаги ҳолати, бошқарувда қарорларни қабул қилиш жараёнлари таҳлил қилинган. Илмий мақоланинг мақсади сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бошқарув фаолиятини такомиллаштириб учун энг аввало, қарорлар қабул қилинишини, уларнинг қонунга мувофиқлигини ва шаффофлигини таъминлаш келтирилган.

**Калит сўзлар:** маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ижроия органлари, бошқарув самарадорлиги, бошқарув тузилиши, бошқарув соҳасидаги марказлашув.

## ТЕКУЩЕЕ СОСТОЯНИЕ УПРАВЛЕНЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕСТНЫХ ОРГАНОВ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ

**Аннотация.** В данной научной статье анализируется современное состояние управления органами местного самоуправления нашей страны, процессы принятия решений в управлении. Целью научной статьи является совершенствование управления органами местного самоуправления, в первую очередь обеспечение принятия решений, их соответствие закону и прозрачность.

**Ключевые слова:** местные органы государственной власти, местные исполнительные органы, эффективность управления, структура управления, централизация в управлении.

## THE CURRENT SITUATION OF MANAGEMENT ACTIVITIES OF LOCAL STATE AUTHORITIES

**Abstract.** This scientific article analyzes the current state of management of local state authorities of our country, decision-making processes in management. The goal of the scientific article is to improve the management of local government bodies, first of all, to ensure the adoption of decisions, their compliance with the law and transparency.

**Keywords:** local state authorities, local executive bodies, management efficiency, management structure, centralization in management.

### Кириш

Кейинги йилларда мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг кўплаб соҳаларида, жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолият юритиш жараёнлари самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси мутақиллигининг илк йилларидан бошлаб, биринчи навбатда, маҳаллий давлат бошқарувининг мақбул ва самарали тизимини яратишга қаратилган маъмурий ислохотлар амалга оширилди, чунки фақат самарали маҳаллий давлат ҳокимияти долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга, давлат бошқарувини яхшилаш учун шароит яратишга, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда муҳим кўприк вазифасини бажаради.

Шуни таъкидлаш керакки, замонавий дунёда давлатнинг роли, унинг функциялари, жамият ва давлат, унинг органлари ўртасидаги муносабатларни тушунишни қайта кўриб чиқиш тенденциялари мавжуд. Натижада бир қатор мамлакатларда маъмурий ислохотлар, жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ислохотларни амалга оширишга уринишлар бўлди. Уларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, бу бутун жамиятнинг саъй-ҳаракатларини, энг муҳими, улар билан мулоқот учун ҳокимиятнинг очиқлигини талаб қиладиган узоқ, мураккаб жараён. Шу билан бирга, шошқалоқ ва нотўғри ўйланган қарорлар катта иқтисодий ва ижтимоий йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бошқаруви соҳасидаги фаолият самарадорлигини ошириш нафақат давлат институтлари тузилмаси ва штатларини ўзгартириш, балки ижро ҳокимияти органларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш, ушбу ваколат ва функцияларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришдир. Шу билан бирга, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ошириш жамият учун муҳим ва зарур функцияларни «йўқотиш»га йўл қўйилмаслигини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиниши керак. Бунинг сабаби шундаки, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлиги унинг назорати остидаги соҳаларни қамраб олиш кенглиги билан эмас, балки жамият манфаатларига амалда риоя этилиши, сиёсий-ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлиги билан белгиланади.

Бугуни кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламдаги ислохотларни самарадорлиги бевосита ижро ҳокимияти органларида самарали бошқарув қарорларини қабул қилиниши билан боғлиқ. Буни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги қуйидаги фикрлар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, ижро ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш, кадрлар, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ мезон ва тартибларни жорий этиш;

Иккинчидан, ижро ҳокимияти органлари зиммасидаги вазифаларни амалга ошириш тартибини, уларнинг масъулият доирасини аниқ белгилаш;

Учинчидан, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ва ижро ҳокимияти идоралари ўртасида яқин ҳамкорликни таъминлайдиган усул ва услубларни такомиллаштириш;

Тўртинчидан, мамлакатимизда қабул қилинаётган чора-тадбирларни самарали амалга оширишда ижро ҳокимияти органларининг уйғун фаолият олиб боришини таъминлаш;

Бешинчидан, давлат бошқарувида очиқликка асосланган, самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этиш;

Олтинчидан, Давлат бошқарувини ҳаддан ташқари марказлаштиришдан воз кечиш;

Еттинчидан, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий масалаларга масъул бўлган раҳбарларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича ваколатларни туман ва шаҳар ҳокимларига тўлиқ ўтказиш;

Саккизинчидан, ҳокимларнинг ижро ва вакиллик ҳокимияти раҳбари сифатидаги ваколатларини алоҳида-алоҳида ажратиш бўйича иборат [1].

Ушбу мақсадларнинг мантикий давомийлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари ўринбосарларининг уларга юкланган вазифаларни бажаришда шахсий масъулиятини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори[2] қабул қилинди. Унга мувофиқ, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосарлари, ҳоким ўринбосарлари — вилоятлар ва Тошкент шаҳар инвестициялар ва ташқи савдо бошқармалари бошлиқлари, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарларига ваколатли вазифалар юклатилди. Ушбу чора-тадбирлар бежизга эмас. Асосий мақсад маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бошқарув фаолиятини такомиллаштириб учун энг аввало, қарорлар қабул қилинишини, уларнинг қонунга мувофиқлигини ва шаффофлигини таъминлашдан иборатдир.

### **Мавзунинг ўрганилганлик даражаси**

Шуни таъкидлаш керакки, замонавий илмий адабиётларда давлат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бошқаруви фаолиятининг турли жиҳатлари қадимги дунё файласуфларидан тортиб бугунги замонавий иқтисодчи олимлар илмий изланишларида кўриб чиқилган. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш шакллари ва усулларининг назарий масалалари В. Макконел, В. К. Митчелл, Г. Мёрдал, П. А. Самуелсон, Н. Клиш, Ж. Стиглер, Г. Тулloch, М. Фридман, Ф. фон Ҳаек, Л. Эрхард, К.Барнард, П.Друкер, Т.Питерс, Д.Синк, Р.Уотерман ва бошқа хорижий олимларнинг ишларида ўрганилган.

Жумладан, Т. Питерс – Р. Уотерманнинг бошқарув моделида келтирилишича, бошқарув қарорларни ўз вақтида қабул қилишга асосланиши ва инсон манфаатларига хизмат қилиши керак [3].

МДХ мамлакатлари олимлари орасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бошқаруви бўйича А.М.Скоков, Лукьянова М.Н., А.Гретченко, Е.Кузнецовалар тадқиқот олиб борган.

Жумладан, А.М.Скоков келтиришича, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хорижий мамлакатларда жамоат ташкилотлари сифатида фаолият олиб боради. Шу сабабдан ҳам, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари функцияларини шакллантиришда уларни давлат бошқарувига эмас, балки халққа яқин орган сифатида келтириш керак [4]. А.Гретченко эса маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларини қабул қилишда халқ иштирокини таъминлаш кераклигини, чунки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолити бевосита халқ тўлаётган солиқларга боғлиқ эканини, келтиради [5].

Маҳаллий иқтисодчи олимлар орасида Ш.Р.Холмўминов, Г. М.Шамарова, А.Холовлар томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларида самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этиш масалалари ўрганилган. Жумладан, А.Холовнинг келтиришича, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан уларнинг қонунга риоя қилишларини, ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришларини кузатиш ва назорат қилиш механизмларини такомиллаштиришга доир тартиб тамойилларни белгилашда, энг аввало, ижро ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида

фуқароларга тўла ва ҳаққоний ахборотларни етказиш лозим. Бунинг учун оммавий ахборот воситаларида давлат идоралари томонидан қабул қилинган қарорларнинг матнларидан ташқари, уларнинг моҳияти, қарордан кўзланган мақсад ёритилиши керак [6].

Юқорида кўриб турганимиздек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини бошқариш ва уларда самарали қарорлар қабул қилиш турли даврда ҳамда турли мамлакатларда ҳам долзарб бўлиб, бошқарув соҳаси тадқиқотчиларининг диққат-марказида бўлган. Шу жиҳатдан олганда ҳам, илмий мақола мавзуси долзарб бўлиб, жамият ҳаётини ривожлантиришнинг замонавий шароитида давлат бошқарувининг барча даражаларида давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш муаммоларини ҳал қилиш ва қайта кўриб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

### Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига[7] мувофиқ, маҳаллий давлат органлари маҳаллий вакиллик органлари ва маҳаллий ижроия органларига ажратилади (1-расм).

1-расм.



*\*расм муаллиф ишланмаси*

Мамлакатда Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳрида маҳаллий ижроия органлари бўлиши билан бирга, уларга бўйсунувчи 30 та шаҳар ва 170 та туман ҳокимликлари[8] ҳам фаолият олиб боради. Бундан ташқари, худди шунча маҳаллий вакиллик органлари фаолият олиб боради. Маҳаллий ижроия органлари худуд доирасида молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари; капитал курилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари инвестициялар ва ташқи савдо; қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари; ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича муаммоларни ўрганиш, муаммоларни ўз ваколати доирасида ечиш ва ушбулар бўйича қарор ва фрмойишлар қабул қилиш ҳуқуқи ҳамда мажбуриятига эга.

Маҳаллий вакиллик органлари эса:

ҳокимнинг тақдимиغا биноан, ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режаси ва уни қуриш қоидаларини тасдиқлаш;

вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларини, шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетларини тегишинча вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг тақдимномасига биноан кўриб чиқиш ҳамда қабул қилиш;

вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадларининг прогнозларини маълумот учун қабул қилиш;

вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарорларни тасдиқлаш;

тегишли бюджетлардан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;

ижроия ҳокимияти бўлимлари, бошқармалари, бошқа таркибий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини, шу жумладан қонунларга риоя этилиши, тегишли халқ депутатлари Кенгашлари қарорларининг ва доимий комиссиялар тавсияларининг бажарилиши юзасидан ҳисоботларини эшитади ва бошқа ваколатларга эга [9].

Маҳаллий давлат органлари ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади. Жумладан, ҳокимликлар кесемида 247 298 та ҳужжат қабул қилинган бўлиб, ҳудудлар кесемида Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари устуворлик қилади. Ҳоким қарорларининг қабул қилиниши бўйича Наманган вилояти (14 990 та қарор), ҳоким фармойишларининг қабул қилиниши бўйича Тошкент вилояти (7 697 та фармойиш) юқори кўрсаткичларга эга. Кенгаш қарорларини қабул қилишда юқори кўрсаткичлар Самарқанд ва Сурхандарё вилоятларида кузатилган.

Келтирилишича, 2021 йилнинг 28 мартдан 2022 йил 28 мартгача, бир йил давомида Ўзбекистонда мавжуд 221 та вилоят, туман, шаҳар ҳокимиятлари (Қорақолпоғистон вазирлар кенгаши) кунига ўртача 177 та қарор қабул қилган. Яъни Ўзбекистонда деярли барча маҳаллий давлат ҳокимият органлари кунига ўртача биттадан қарор қабул қилади [10]. Бу ҳокимликларда вақт сарфининг ҳам юқорилигидан далолат беради.

**1-жадвал**

**Ҳокимликлар кесемида қабул қилинган ҳужжатлар [11]**

Ҳудудлар	Ҳоким қарори	Ҳоким фармойиши	Кенгаш Қарори	Жами
Қорақолпоғистон Республикаси	7 823	3 439	3 255	14 517
Вилоятлар:				
Андижон	6 718	1 741	2 226	10 685
Бухоро	8 280	2 872	3 118	14 270
Фарғона	8 296	5 247	3 391	16 934
Жиззах	6 292	3 325	3 315	12 932

	Наманган	14 990	2 713	2 201	19 904
	Навоий	2 945	3 281	2 496	8 722
	Қашқадарё	15 487	2 066	2 603	20 156
	Самарқанд	6 728	3 720	4 356	14 804
	Сирдарё	5 819	3 460	2 781	12 060
	Сурхандарё	10 775	3 191	3 755	17 721
	Тошкент	12 826	7 697	2 344	22 867
	Хоразм	6635	2 177	2 445	11 257
	Тошкент ш.	8 087	4 038	2 689	14 814

Ҳокимликлар томонидан қарорлар сонининг ортиб бораётганлиги бошқарувда ривожланиш бўлаётганидан далолат беради. Аммо қабул қилинаётган қарорлар орасида қонунга зид бўлганлари ҳам борлиги, мамлакатнинг барқарор ривожланиш шароитида ислохотларнинг давомийлига тўсқинлик қилади. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2017-2020 йилларда судлар томонидан маҳаллий ҳокимликлар қарори устидан кўриб чиқарилган 17 402 та ишдан 7 680 тасида маҳаллий ҳокимликлар томонидан чиқарилган қарор ҳақиқий эмас деб топилган [12].

Ҳокимликлар томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармойишларнинг қонунга зид бўлишини олдини олиш ва шаффофлигини ошириш мақсадида 2021 йил 1 июндан бошлаб ҳуқуқий эксперимент натижалари асосида “E-qaror” электрон тизими жорий этилди. Ушбу тизим қуйидагиларга хизмат қилади:

- барча маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган қарорлари ва фармойишларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш, чиқариш, рўйхатга олиш ва эълон қилишга;

- “E-qaror” электрон тизимини четлаб ўтган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли қарорлари ва фармойишларини қабул қилиш ва чиқаришга йўл қўйилмаслигига;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш “E-qaror” электрон тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилишига [12].

“E-qaror” электрон тизиминининг жорий этилиши маҳаллий давлат органларининг бошқарув ва қарор қабул қилиш тизимида қуйидаги афзалликларни беради:

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қарорларини ишлаб чиқишда инсон омили камайтиради;

- аҳолининг маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қабул қилинган барча ҳужжатлар билан танишиш имконияти яратилади;

- коррупцияга қарши курашиш ва уни олди олинад;

- маҳаллий ҳокимият вакиллари органлари фаолиятининг шаффофлиги ортади;

- ҳоким қарори, фармойиши ва кенгаш қарорларини яратиш, манфаатдор идоралар билан келишиш, ҳуқуқий экспертизага киритиш ва расман нашр этиш ягона манзилдан туриб амалга оширилади;

- Бутун Республика миқёсида ҳоким қарори, фармойиши ва кенгаш қарорларини ишлаб чиқишда ягона тартиб жорий этилади.

Албатта, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларни қабул қилиш жараёнининг рақамлаштирилиши мамлакатимизнинг трансформацион иқтисодийётга ўтиш

жараёнида муҳим, аммо ушбу қарорларнинг самарадорлигини таъминлаш, уларнинг нафлилигини ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

Халқ депутатлари Кенгашларида доимий асосда фаолият юритувчи депутатлар корпусини шакллантириш ва уларнинг ваколатларини кенгайтириш орқали ҳудудий ижро органлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш.

Маҳаллаларнинг жойлардаги вакиллик органлари билан, халқ депутатлари Кенгашларининг Олий Мажлис Сенати билан, ҳокимликларнинг вазирликлар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари билан алоқаларини мустаҳкамлаш.

Маҳаллий кенгашларнинг котибиятлари фаолиятини янада кучайтириш чораларини кўриш.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳудудий ижро органларининг штат бирлиги ва тузилмаларини белгилаш амалиётини босқичма-босқич кенгайтириш, ҳудудларда амалга ошириладиган вазифалар бўйича «ваколатлар реестри»ни шакллантириш [13].

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг қарорлари қабул қилингандан сўнг “E-qaror” электрон тизимига киритилади. Аммо уларнинг лойиҳаси халқ муҳокамаси учун тақдим этилмайди.

“E-qaror” электрон тизимига киритилган қарорларни кўздан кечириш жараёнида шу нарса аниқландики, иқтисодиётнинг айрим соҳаларигагина тааллуқли бўлган қарорларнинг улуши юқори экан. Уларнинг айримларини ҳокимликлар қарорисиз, тендр асосида ҳам амалга оширилишини йўлга қўйиш мумкин.

### **Хулоса ва таклифлар**

Юқорида олиб борилган таҳлиллар асосида қуйидаги таклифлар шакллантирилди:

Биринчидан, ҳокимликлар қарорларининг қонунга мувофиқлиги, улар қабул қилинишидан олдин экспертизадан ўтказилиши керак. Бу ноқонуний қарорлар қабул қилинишини қисқартиради;

Иккинчидан, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг қарор лойиҳаси “E-qaror” электрон тизимига халқ муҳокамасига қўйилиши керак. Бу жараён қарорларнинг шаффофлигини таъминлаш билан бирга, қарорларни қабул қилиш жараёнида коррупцияни қисқартиришнинг олдини олади;

Учинчидан, иқтисодиётнинг айрим соҳаларигагина тааллуқли бўлган қарорларнинг улушини қисқартириш мақсадида, айрим лойиҳаларни ҳокимликлар қошидаги махсус кенгашлар орқали тендр асосида амалга оширилишини йўлга қўйиш талаб этилади.

### **REFERENCES**

1. Холов А.Х. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этиш масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2018 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари ўринбосарларининг уларга юкланган вазифаларни бажаришда шахсий масъулиятини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 24.08.2021 йилдаги ПҚ-5230-сон. <https://lex.uz/docs/5598091>
3. Ghinea, Valentina & Bratianu, Constantin. (2007). Organizational culture modeling.

4. Скоков А. М. Местное управление и самоуправление в странах СНГ // Рос. мед.-биол. вестн. им. акад. И.П. Павлова. 2003. №1-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mestnoe-upravlenie-i-samoupravlenie-v-zarubezhnyh-gosudarstvah> (дата обращения: 25.10.2022).
5. А.Гретченко. Ключевые проблемы местного самоуправления в России. <file:///C:/Users/User/Downloads/110-202-1-SM.pdf>
6. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни. 02.09.1993 йилдаги 913-ХП-сон
7. <https://daryo.uz/2018/10/09/ozbekistonda-nechta-tuman-va-shahar-borligini-bilasizmi/>
8. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳомияти тўғрисида”ги Қонуни. 1993 йил 2 сентябрь, 913-ХП-сон. <https://www.lex.uz/acts/112170>
9. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/03/28/repeal/>
10. <https://e-qaror.gov.uz/oz/statistics/index?tab=5&type=1>
11. <http://hudud24.uz/4-yilda-sudlar-tomonidan-mahalliy-hokimlarning-7-680-ta-karori-nokonuniy-deb-topilgan/>
12. <https://minjust.uz/uz/press-center/news/102230/>
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон. <https://lex.uz/docs/5841063>